

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 631.15:33

Нарзуллаев Ойбек Нарзуллаевич

**КОРХОНАДА ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

5A230110 - “Демография. Мехнат иқтисодиёти” мутахассислиги

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: и.ф.д. Рахимова Н.Х.

ТОШКЕНТ – 2018

Диссертацияда персонал малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти ёритилган; персоналнинг малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш шакллари ва усуллари таснифланган; “Тошкент худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг иктисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган; корхонада персонал малакасини ошириш ҳолати таҳлил қилинган; персонал малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш омилларига иктисодий баҳо берилган; персонал малакасини ошириш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган ва улардан фойдаланиш имкониятлари ишлаб чиқилган; персонал малакасини ошириш тизимини самарали бошқариш концепцияси ишлаб чиқилган.

The dissertation reflects the socio-economic significance of improving the system of personal qualifications; classifying forms and methods of organizing the professional development process; Analysis of economic indicators of Tashkent Regional Electric Networks Joint Stock Company; analysis of the status of personnel training in the enterprise; An economic assessment of the factors that led to the improvement of professional skill; the experience of foreign countries in the development of personal skills has been studied and opportunities for their use have been developed; the concept of effective management of the system of professional development has been developed.

Магистрлик диссертация иши «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

3 - сонли баённома «19» май 2018 й.

Илмий раҳбар:

Рахимов Ф.Х.

(илмий раҳбар и.ш.ф.)

Жонту
имзо сана

Тақризчи:

Жондиков И.

(тақризчи и.ш.ф.)

Робб
имзо сана

Магистрант:

Нурмухamed Оидов

(магистрант и.ш.ф.)

Жонту
имзо сана

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ПЕРСОНАЛ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Персонал малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти.....	9
1.2. Корхонада персоналнинг малакасини оширишда кадрлар сиёсатининг тутган ўрни.....	17
1.3. Персоналнинг малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш шакллари ва усувлари.....	24
I боб бўйича хулоса.....	29
II БОБ. “ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ПЕРСОНАЛ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	30
2.1. Корхонанинг кадрлар билан таъминланганлик ҳолатининг таҳлили....	30
2.2. Корхонада персонал малакасини ошириш ҳолатининг таҳлили.....	35
2.3. Персонал малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш омилларини иқтисодий баҳолаш.....	45
II боб бўйича хулоса.....	51
III БОБ. КОРХОНАДА ПЕРСОНАЛ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	53
3.1. Персонал малакасини ошириш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш имкониятлари.....	53
3.2. Электр тармоқлари тизимида кадрлар салоҳиятини оширишнинг инновацион технологиялари.....	66
3.3. Персонал малакасини ошириш тизимини самарали бошқариш концепцияси.....	75
III боб бўйича хулоса.....	83
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	84
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	87

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш сифатининг ўсишини таъминлайдиган етакчи тармоқ ва инфратузилмалар тизимини модернизациялаш Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида қўйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишини талаб этмоқда”¹.

Ўзбекистон Республикасидаги бозор ислоҳотларининг ўзига хос жиҳати уларнинг инсон тараққиётига қаратилганлигидир. Ҳозирги шароитдаги малака ошириш таълим мажмуини, малакали кадрлар тайёрлаш кўп даражали тизимини ривожлантириш, бу борада янги концепцияни рўёбга чиқаришга, иқтисодиётда зарур силжишларни амалга оширишга, жумладан, асосий ишлаб чиқарувчи куч - инсоннинг иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларга доимий мослашувини таъминлашга имкон беради. Айниқса, бу ижтимоий соҳадаги ислоҳатларнинг натижалари бевосита малака ошириш таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли ҳамда малакали кадрлар тайёрлашга асосланган ва жаҳондаги илғор давлатлар малака ошириш бўйича таълими тараққиёти тажрибаларига таянган ҳолда, кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz>